


ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти. А. Тўраев олган суратлар.

29 февраль кун Президент Ислам Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, кўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Олий Мажлис кўмиталари раислари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар дастлабки самараларини бера бошляди, — деди Президент мажлисини очар экан. — Бу янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқаришнинг пасайиш суратлари тўхтатилганида, пулнинг қадриятини даражаси пасайиб бораётганида намоен бўлмокда. Шу маънода утган 1995 йил бўрилиш йили бўлиб дейишга ҳақимиз. Бу халқимизнинг илмий буйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Жорий йилда олдимизда бундан ҳам улкан вазифалар турбди. Уларни бажариш учун утган йил якунларидан керакли ҳулусалар чиқаришимиз, иш фаолиятимизнинг заиф нукталарини аниқлашимиз ва уларни бартафари этиш йўллари излаб топмоғимиз зарур. Хусусан, халқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мўкин масала бўлиб қолмокда. Бу — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг неча фоизига харидор бор, кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, қорхона ва ҳўжаликлар кишиларга қандай манбалар ҳисобидан маош тўлайди — шу каби саволларга олдиндан жавоб топмок демаяди. Шу ўринда айрим қорхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани ҳолда ишчилар сони асосан сақланиб қолганини қандай изоҳлаш мўкин? Уларга нима ҳисобидан маош тўланяпти?

Ҳар бир тармок, бирлашма, қорхона раҳбарининг фаолиятига у юқоридagi каби масалаларни ҳал этишда нечоғлик билим ва қобилият эга эканига қарайди баҳо беришимиз лозим. Бундай масалаларни ҳал этимайтган, ватанпарварлик ҳиссидан бегона, шу куним ўса бўлмайди, дея боқимандлик қафияти билан яшаётган айрим раҳбарлардан воз кечиш пайти етди. Шундай қилмасак, бозор таллини ўрганиб иш юретиладиган, хорижий сармоядорларга Ўзбекистоннинг имкониятларини, халқимизнинг инсоф-диёнати эканини тушутириладиган, бу ерга сармоя қўйсанг, ҳеч қачон доғда қолмайсан, деган гапларни уларга уқтириб, инвестициялар олиб келадиган ташаббускор раҳбарларга таяниб ишламасак, иқтисодий тиричиликнинг муаммоларини ҳал этишимиз қийин кечади.

Долзарб масалалардан яна бири пул эмиссияси микдорини камайтиришдир. Бунинг са-

баби шундаки, жойларда маданият-маиший хизмат кўрсатиш шобобчалари, иччам-иччам қорхоналар ташкил этиш, пулли хизмат кўрсатиш ишлари нилзиб қилинмаётган билан амалга ошириляпти. Бу эса пул айлинишини секинлаштирмокда. Оқибатда айрим жойларда иш хаки вақтида тўланмайтти. Бу масалага жиддий эътибор бериш, унинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий масала эканини англаб етмок зарур. Бу муаммоларнинг ҳаммаси қишлоқ ҳўжалигида орткича ишчи кўчи мавжудлигига бориб тақалади. Бу эса етиштириляётган ҳосилнинг таннари орткиб кетишига сабаб бўляпти, дея таъкилади Ислам Каримов. Биз мана шу муаммони — икки миллиондан зиёд ишловчини қишлоқ ҳўжалигининг санаотга жалб этиш масаласини ҳал қилмас эканми, ислохотларни олга силжита ший қийин бўляди. Бунинг учун эса республика вазирликлари, идора ва ташкилотлари, ҳокимлик раҳбарлари ва янги ишчи жойлари ташкил этишда амалий ёрдам беришлари керак. Хусусан, бу борада аниқ дастурлар ишлаб чиқиш, уларда бир ишчи ўрнини ташкил этиш қанча маблағ талаб этади, тузилган қорхона қандай самара беради, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Чунки иш жойи бўлса, даромад ҳам бўляди, унинг эвазига мактаб ҳам, касалхона ҳам, спорт иншоотлари ҳам курилади. Демокчанмикан, қишлоқ ҳўжалиги бўйича аниқ сиёсат ўтказилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи-

лар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам мўкин вазифа бўлиб турибди. Бу ишни ҳўкуми муҳофаз қилиш идоралари ўз назоратига олмоғи даркор. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг, деҳқонларнинг зарар кўрмаслигига эътибор бериш, уларнинг маданиятини қонун йўли билан ҳимоя қилиш одат тусига кириши зарур.

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, шаҳар ва қишлоқларда юзлаб салобатли, қўркам бозорлар курилди. Бу ҳаммамизни қувонтиради, албатта, деди Президент. Лекин давлат маблағи, халқимиз меҳнати эвазига курилган бу бозорлар қимларнинг қўлига бериб қўйилмади? Уларда ҳозир қим ҳўкмирон? Маҳсулот етиштирган деҳқонми ёки олибсотарларми? Бу масалаларни ҳам ҳокимлик ва ҳўкуқ идоралари ҳал этиши керак.

Хуллас, айтмоқчиман, ҳар қим ўз жойида зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда қатъият билан ишлаган, юқориди буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтирмайсиз зарур. Яқинда росиялик журналистлар билан учрашувида таъкидлаганимдек, ривожланган мамлакатларда шундай система қарор топгани, иқтисодий тармоқлар мустақил равишда ишлаётганлиги. Уларни биров туртиб туриши шарт эмас. Биз ҳам ана шундай структура яратишимиз керак. Токи, иқтисодийни қонун ва қарорлар бошқарсин. Зеро, республикада бу борада зарур қонунлар қабул қилинган. Улар бизнинг юртимизда. Таъбир жоиз бўлса, бойлигимиздир.

Ватанимизнинг гуллаб яшаш учун, халқимизнинг фаровон турмуш кечирishi учун ҳар биримиз дилимизга мана шу Ватан туйғусини қў қилиб, ўзимизни унга содиқ фарзанд, деб билиб, элим деб, юртим деб ёниб яшаймиш керак, деди Президент пировардида. Ана шундагина биз кўзлаган мақсадларга эришамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажакни бунёд этиш ишига ҳисса қўшган бўламиз.

Мажлисида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — «Ўзбекистон» давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чўен, шунингдек, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, ташиқ иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ганиев ва бошқалар сўзга чиқди.

Президент Ислам Каримов мажлисида нутқ сўзляди.

Муҳокама этилган масала раҳбарлар қарор қабул қилинди.

Мажлисида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(У.А.)

«Ўзбекистон — Ватаним меним» ДАСТЛАБКИ ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиз туманларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним меним» қўшиқлар кўрик танловининг сараловчи якуний босқичлари давом этапти.

Яққасарой тумани маданият ишлари бўлими ҳам бу борадаги ишларни авж олдириб юборди. Тўқимачилар Маданият саройида кун кеча ана шу танловнинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Билми даргоҳлари, мактабгача тарбия муассасалари, маданият уйлари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоаларидан келган иштирокчилар уларнинг қўй-қўшиқ, шўх рақслари билан иштирок этдилар.

Танловга қатнашиш истагини билдирганларнинг жуда кўп эканлиги бизни беҳад қувонтирди. — дейди туман маданият ишлари бўлими бошлиғи Мирзатилла Мирзаримов, — аммо биз бугунги танлов учун юртимизни мадҳ этувчи энг сара қўшиқларни танлаб олдик.

Кўриқда олтишга яқин қўшиқлар ўзбек, рус, қозок, корей тилларида янгради. Биринчи ўринга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг хор жамоаси «Истиклол» қўшиғи учун сазовор бўлиб, шаҳар миқёсида ўтказилаётган кўрик танловда иштирок этиш ҳўкуфини қўлга киритди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринни олган ижрочилар ҳам ана шу танловда қатнашдилар.

Нозима ИСЛОМОВА

«АДОПАТ» ПАРТИЯСИ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан партиянинг вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда партия сиёсий кенгашининг биринчи қўбчи Тўғрунпўлат Даминов маъруза қилди.

Пленумда бир қатор бошқа масалалар ҳам қўрилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(У.А.)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли дўстлар! Аввало йил натижаларини таъбирлаш ҳамда муҳокама қилиш жараёни ва тартиби ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Ушбу янги яшашнинг асл моҳияти ва мақсади нимадан иборат бўлиши лозим?

Биринчидан, содиқ бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тереан англаб етишимиз, ўтган давр мобайнида қилинган ишларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Нима ҳисобидан ва қайси омилилар эвазига қандай натижаларга эришганимизни, ижобий силжияшимизни янада мустаҳкамлаш учун нима ишлар қилишимиз зарурлигини аниқлаб олишимиз даркор.

Асосий масала қўйилган у ёки бу вазифанинг нима учун охирига етказилмагани сабабларини излаб топилди. Нега айрим вилоятларда, иқтисодий-деҳқонлик мўйлан соҳа ва бўғинларида окшагча йўл қўйилди, бунинг сабаблари нима?

Иккинчидан, аниқланган сабаб ва омилилар асосида иқтисодийни ҳалқалари бир-бирига чамбарчас болганга ягона занжир деб билиб, унинг заифлиги қолган мўйлан тўзимда, бўлини ва бўғинларини кўрсатиб бериш керак бўляди.

Ишни эълоий олмаётган ёки янгица ишлашни ҳохламаётган раҳбарларни — менинг бундай дейишга тўла асосим бор — аниқлаш керак. Бир сўз билан айтганда, иқтисодийни ислоҳ қилишда окшагча йўл қўйган ҳақийқий айбдорни топиш вақти етди. Лекин танқид аниқ ва асосли бўлиши лозим.

Иқтисодийни ягона тирик жонга қиёслаш мўкин. Кўп жойларда ўз мансабига нолийқ раҳбар касофатидан бир бўғинда ишларнинг барбод бўлиши, муттасил окшаи бутун бошли ислохотлар механизмининг бир жўлда депосини қўлишига олиб

келиши мукяррар.

Учинчидан, яқун яшадан бош мақсад — танқидий таҳлил ва тегишли ҳулусалар чиқарилган асосида амалдаги ислохотлар йўлига зарур тузатишлар киритилди.

Мўҳим, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганидек, қонунчилик ва меъърий ҳужжатларга қандай таузатишлар киритилиши, қайси масалалар буйича янги, қўшимча Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш, бошқарув тизими ҳамда амалдаги ҳўжалиқ юритиш механизмининг қай йўсинда ўзгаришларни аниқлаб олишдир.

Ислохотларнинг дастурий йўлига тузатишлар киритмай, шойшлилик қарорлар қабул қилмай туриб, зулуксиз ва изчил олга силжияшимиз, шунинг баробарида ислохотларимизнинг орткига қайтамаслигини таъминлаб бўлмайди.

Асосий мақсадимиз фақат яқун ясаш — сарҳисоб қилиш эмас, аксинча, муаммо ва заиф жойларни рўй-рост очиб ташлаш, улар юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ва яна бир мўҳим мақсад — иелохотларнинг ўзига керакли тузатишлар киритишидир, уларни бундан бунён чуқурлаштириш учун ҳўкуқий замин ҳозирлашдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Сизларга тарқатилган ҳужжатлар ва қилинган маърузаларда 1995 йил иқтисодий ва ижтимоий яқунларининг кўрсаткичлари эътиборинизга етказилди.

Шунинг учун ҳам улар тўғрисида батафсил таққордан гапиришга ҳожаж йўқдир, деб ўйлайман.

Ислохотларнинг ўтган йилги асосий натижалари ҳақида гапириб эканмиз, биринчи ва асосий ҳулуоса шуки, 1995 йил кўп жиҳатдан жағиятимизни, иқ-

тисодиётимизни, қолаверса, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бўрилиш йили бўлди.

Йил якунлари биз ишлаб чиқариш йўлини, иқтисодий ислохотларнинг устивор жиҳатлари тўғри эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бера бошляди. Шунларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодида янги маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши суръати амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар буйича ўсиш суръатларига эришилди.

Ички яқли маҳсулот 1995 йилда 1994 йил даражасига нисбатан 96 фоиз бўляди деб мўлжал қилинган эди, аслида эса 98,8 фоизни ёки 300 миллиард сўни ташкил этди.

Ишлаб чиқариладиган миллий даромад 98,5 фоизга етди.

Давлат бюджетни қамомати 3,5 фоиз этиб белгиланган эди, амалда эса 3,0 фоиздан ошмади.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди.

Асосий тармоқларни ривожлантириш буйича, халқимиз олдида очик ўш билан ҳисобот беришимиз мўкинки, **қилгил энергетика соҳасида натижалар 100,7 фоиз, машинасозликда 124,6 фоизга чиқди. «Узавтосаноат» уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 фоиз, «Узавтосаноат» уюшмасида 134,3 фоиз, кимё саноатида 113,0 фоиз, меболевозлик саноатида 111,5 фоизга кўтарилди.**

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди.

1995 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Деҳқонликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан иқтисодга қўйилган сармоя — капитал маблағлар ўсиши 102 фоизни ташкил қилди.

Азиз дўстлар, Ўзбекистонимиз эришган яқши натижаларни тўғри эканини тасдиқлади ва ўз эътиборини ушбу натижага қўйди.

Барча тармок ва соҳаларни ўз таркибига оладиган **яқли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми** Хамдўстлик мамлакатлари билан солиштириганда 1990 йилга нисбатан 1995 йил кўрсаткичлари қуйидагича:

Ўзбекистон — 81,1 фоиз
Россия — 62,2 фоиз
Беларусь — 60,5 фоиз
Қирғизистон — 50,3 фоиз
Қозоғистон — 45,4 фоиз
Украина — 44,4 фоиз

Қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш буйича ҳавол 1995 йилда 1990 йилга нисбатан қуйидагича:

Ўзбекистон — 89 фоиз
Беларусь — 73 фоиз
Россия — 67 фоиз
Украина — 61 фоиз
Қирғизистон — 57 фоиз
Қозоғистон — 54 фоиз


1995 йилда **саноат ишлаб чиқариш ҳажми** 1990 йил натижаларига нисбатан — Қирғизистонда 35 фоизни, Қозоғистонда — 48, Россияда — 50, Украинада — 53, Беларусда — 61 фоизни ташкил этган бўлса, **Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99,9 фоизга тенг бўлди.**

Бу рақамга алоҳида эътиборинизни жалб этмоқчиман.

Ҳақиқат, биз амалда ҳали иттифоқ пароканда бўлмагандан саноат бир мароҳида ишлаган дарлардаги тараққиёт даражасини қўлга киритди.

Бу кўрсаткичларни биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Бу кўрсаткичлар Хамдўстлик мамла-

ТОШКЕНТ РАМЗИ



Танлов шартлари билан баҳа қилиниши ва лойиҳалар тақдим қилиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилади: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 33-78-23, 36-79-01, 33-21-23.

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

